

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

O'ZBEKISTON DAVLAT
JAHON TILLARI
UNIVERSITETI

100138, Toshkent sh., Kichik halqa yo'li ko'chasi,
G-9A mavzesi, 21 uy, tel.: +998712301291



THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN
THE MINISTRY OF HIGHER
AND SECONDARY
SPECIALISED
EDUCATION
UZBEKISTAN STATE
UNIVERSITY OF WORLD
LANGUAGES

Tashkent-100138, Kichik halqa yo'li str.,
G-9A-21, tel.: +998712301291

20 20 yil " 23 06 "

№ 332

BUYRUQ

Хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳат-
кенгашларини тузиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамиятда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармони ва "Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сон Қарори ижросини таъминлаш максадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июндаги 326-сонли буйруғи ижро учун қабул қилинсин.

2. Барча проректорлар, бошқарма, бўлим бошлиқлари, профессор-ўқитувчи ва ходимлар касаба ўюшмаси раиси (Д.Матякубов), хукукшунос (Ф.Мирзаев) ва барча факультет деканларига:

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамиятда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сон Қарорига мувофиқ, 2020 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Конференцияси қарорига кўра Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолияти тугатилганлиги муносабати билан Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тизимидағи Хотин-қизлар қўмитаси бошлангич ташкилотлари фаолияти тугатилганлигини маълумот учун қабул қилсин.

2.2. Бир ҳафта мuddатда Хотин-қизлар масалалари билан бевосита масъул бўлган Хотин-қизлар масалалари бўйича кенгаш (кейинги ўринларда-Кенгаш) раисини тасдиқлаш чоралари кўрилсин.

2.3. Хотин-қизлар масалалари бўйича Кенгаш тўғрисидаги Намунавий низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2.4. Кенгаш раисига (жамоатчилик асосида) Хотин-қизлар масалалари бўйича ректор маслаҳатчиси мақоми берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2.5. 2020-2021 ўқув йилига мўлжалланган Хотин-қизлар масалалари бўйича Кенгаш иш режаси ишлаб чиқилсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин.

3. Молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор (С.Абдуллаев), Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор (Х.Ҳакимов), бош хисобчи (F.Шарипов) ва режа ва молия бўлими (Т.Ким)ларга:

3.1. Кенгаш раиси учун алоҳида хона ажратилсан, компьютер, телефон, интернет тармоғи ва бошқа жиҳозлар билан таъминлансан ҳамда ўрнатилган тартиб асосида иш ҳакига қўшимча устами белгилаш орқали моддий рағбатлантириб борилсан.

4. Ушбу буйруқ назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Ректор в.в.б.,

Б.Кулматов

Университетнинг 2020 йил “___” июндаги
“___” сонли бўйргига илова

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Хотин-қизлар масалалари бўйича Кенгаш тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Намунавий низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тизимидағи **Хотин-қизлар масалалари бўйича кенгаш** (кейинги ўринларда - Кенгаш) асосий вазифалари, функциялари, ваколатларини мазкур Низомга мувофиқ тасдиқланган иш режа асосида ташкил этиши тартибини белгилайди ва шу бўйича иш олиб боради.

2. Кенгаш хотин-қизларни ижтимоий сиёсий қўллаб-куватловчи, уларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилувчи шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Конунларида ўз аксини топган ижтимоий сиёсий кафолатларнинг амалга оширилишига қўмаклашувчи жамоатчилик асосида доимий фаолият юритувчи Кенгаш ҳисобланади

3. Кенгаш таркиби Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари, таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларининг йиғилиш карорлари билан ташкил этилади ҳамда унга киритиладиган ўзгартишлар йиғилиш раиси томонидан тасдиқланади.

4. Кенгаш қарорлари тавсиявий хусусиятга эга.

5. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг меъёрий ҳужжатларига, мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал килади.

6. Кенгаш қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, ўзаро ҳамкорлик ва хурмат, тенг хуқуклик, ихтиёрийлик ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш тамойиллари асосида фаолият юритади.

II. КЕНГАШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

7. Хотин-қизларни қўллаб-куватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш ишларини ҳамкорликда ташкил этади;

- хотин-қизларнинг меҳнат жамоаларида, давлат ва жамоат бошқаруви соҳасидаги ролини кучайтириш, уларни ижтимоий-хуқуқий жиҳатдан қўллаб-куватлаш борасидаги мақсадли ишларни ташкил этишга қўмаклашиш ва уларнинг фикрларини тизимли мониторинг қилиш;

- хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вактида аниқлаш, ёрдамга муҳтоҷ ва оғир ижтимоий ахволга тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, уларга ижтимоий-хуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш, реабилитация воситалари билан таъминлаш ишларига қўмаклашади;

- ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлаш, уларга оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг хуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, оиласарни мустахкамлаш, эрта никоҳ ва оиласи ажralишларнинг олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга ва тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга ёрдамлашади;

- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади ва тегишли таклифлар ишлаб чиқади;

- хотин-қизларни тазийик ва зўравонликдан химоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини мониторинг қилади, зўравонлиқдан жабрланганларни аниқлаш,

уларни реабилитация қилиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиявий таклифларни вазирликка киритади;

- хотин-қизларни тазийк ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

- Талаба қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш оилаларни ижтимоий фаолликка йўналтириш, улар ўртасида ижтимоий фойдали меҳнат тури билан шуғулланадиган, ибрат намунасига эга бўлган хотин-қизларнинг ҳаёт фаолиятлари ва турмуш тарзларини кенг тарғиб қилиш;

- хотин-қизлар ўртасида турли кўрик-танловлар ва спорт мусобакаларини ўтказиш, Зулфия номидаги Давлат мукофоти ва "Мўътабар аёл" кўкрак нишони билан тақдирлаш учун номзодларни танлашда қонунийлик, ижтимоий адолат, шаффофлик тамойилларига риоя этилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

- миллий ва халқаро қонунчиликда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир хужжатлар, стандартлар ва талабларнинг жорий этилишини таъминлайди ва бевосита иштирок этади;

- тизимида самарали меҳнат қилаётган аёл ходимларни Давлат мукофотларига тавсия этиш бўйича таклиф киритади.

III. КЕНГАШНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Кенгаш ўз зиммасига юклangan вазифаларга мувофиқ қўйидаги мажбуриятларни бажаради:

- ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур Низомга мувофиқ амалга ошириш;

-жамоатчилик назорати тўғрисидаги Қонун хужжатлари талабларига риоя этиш;

- фуқароларнинг ор-номуси ва қадр-қимматини таҳқирлашга, уларнинг шахсий ҳаётiga аралашибга йўл кўймаслик;

9. Кенгаш Қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV. КЕНГАШНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

10. Кенгаш қўйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

- жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг тотувлиги ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносаб ҳисса қўшган, шунингдек, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизларни "Мўътабар аёл" кўкрак нишони билан тақдирлаш юзасидан Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига таклифлар киритиш;

- Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига Кенгаш ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиш;

- хотин-қизлар, айниқса ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар учун назарда тутилган имтиёзлар ҳакидаги қонун хужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

- зиммасига юклатилган вазифалар ижроси самарадорлигини ошириш мақсадида таълим муассасасида хотин-қизлар ўртасида турли кўрик-танловлар ва спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш;

- таълим муассасасидаги хотин-қизлар, айниқса ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг розилиги билан уларнинг уй-жой ва ижтимоий-маишӣ шарт-шароитлари билан танишиш;

- Кенгаш мажлисларида муҳокама қилинадиган масалаларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш;

- юклатилган вазифаларни бажариш учун семинарлар, давра сұхбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш, зарур ҳолларда уларга давлат органлари ва жамоат ташкилотлари масъул ходимларини ҳамда маҳалла фаолларини таклиф этиш.

11. Кенгаш қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. КЕНГАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

12. Кенгашга белгиланган тартибда кенгаш раиси бошқаради.

13. Кенгаш раиси хотин-қизларнинг яширин овоз бериш йўли билан учдан икки қисмининг берган овози билан сайланади.

14. Кенгаш таркиби ҳар 3 йилда тасдиқланади ва 10-21 нафар аъзодан иборат таркибда шакллантирилади

15. Кенгаш раислари:

- Кенгаш фаолиятига умумий раҳбарлик қиласиди;

- Кенгаш мажлисларини чақиради ва кун тартибини белгилайди, мажлисга раислик қиласиди;

- Кенгаш иш режаларини, мажлис баённомаларини ва бошқа хужжатларини тасдиқлайди, мажлис Қарорларининг ижросини назорат қиласиди;

16. Кенгаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қиласиди;

17. Кенгашга раиси бўлмаган тақдирда, унинг ваколатлари ва мажбуриятларини раис ўринбосари бажаради.

18. Кенгаш мажлиси иш режа асосида ҳар ойда камида бир марта чақирилади;

- Кенгаш раисининг ташаббуси ёки кенгаш аъзоларининг учдан бир қисмининг ёзма мурожаати асосида унинг навбатдан ташқари мажлисини чакириш назарда тутилади.

19. Кенгаш мажлисларига бошқадавлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари, маҳалла фаоллари тақлиф этилиши мумкин.

20. Кенгаш мажлисида қабул қилинган Қарор баённома билан расмийлаштирилади.

21. Кенгаш раиси олий таълим муассасаси илмий кенгаши аъзоси сифатида йилига бир марта ҳисобот беради.

VI. КЕНГАШ РАИСИ МАҚОМИ

22. Кенгаши раиси раҳбарнинг (ректор, директор)нинг "Хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси" макомига эга.

23. Кенгаш раиси учун алоҳида хона ажратиш, компьютер, телефон, интернет тармоғи ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда ўрнатилган тартиб асосида иш ҳакига кўшимча устама белгилаш орқали моддий рағбатлантириб бориш чоралари кўрилади.

VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

24. Кенгаш фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш қонун хужжатларида тақиқланмаган манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

30. Кенгаш фаолияти унинг низомига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ ҳолда амалга оширилиши Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан назорат қилинади.